

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ ВА  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.1.15.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ**

**МУСТАФАКУЛОВ ШЕРЗОД ИГАМБЕРДИЕВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТ ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ  
ОШИРИШНИНГ ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.02 – Макроиқтисодиёт  
08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2017 йил**

УДК: 338+6.01+65.9 (575.1)

**Фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси автореферати  
мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (Doctor of Science) диссертации**

**Content of the Doctoral (Doctor of Science) Dissertation Abstract**

**Мустафакулов Шерзод Игамбердиевич**

Ўзбекистонда инвестицион муҳит жозибадорлигини оширишнинг  
илмий-услубий асосларини такомиллаштириш..... 3

**Мустафакулов Шерзод Игамбердиевич**

Совершенствование научно-методологические основы повышения  
привлекательности инвестиционной среды в Узбекистане..... 31

**Mustafakulov Sherzod**

Perfection of scientific and methodologic bases of raising attractiveness of  
investment climate in Uzbekistan ..... 57

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 63

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ ВА  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.1.15.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ**

**МУСТАФАКУЛОВ ШЕРЗОД ИГАМБЕРДИЕВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТ ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ  
ОШИРИШНИНГ ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.02 – Макроиқтисодиёт  
08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2017 йил**

**Фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.DSc/Iqt10 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб – саҳифасида ([www.bfa.uz](http://www.bfa.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:** **Бекмуродов Адхам Шарипович**  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Ғуломов Саидахроп Саидахмедович**  
иктисодиёт фанлари доктори, академик

**Сирожиддинов Нишонбой**  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**Юлдашев Ровшан Закирович**  
иктисодиёт фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:** Тошкент молия институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.15.01. рақамли илмий кенгашининг 2017 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 237-53-25, факс: (99871) 237-54-01, e-mail: [info@bfa.uz](mailto:info@bfa.uz)

Фан доктори (DSc) диссертацияси билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 237-53-25, факс: (99871) 237-54-01, e-mail: [info@bfa.uz](mailto:info@bfa.uz).

Диссертация автореферати 2017 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ кунни тарқатилди.  
(2017 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**О.К. Иминов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**У.В. Гафуров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

**У.В. Гафуров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

## КИРИШ (Докторлик диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон амалиётида мамлакатларнинг инвестицион жозибadorлиги қатор муҳим омиллар уйғунлигида тавсифланувчи инвестицион салоҳият ва инвестицион риск орқали аниқланади. Хорижий инвесторлар муайян давлат иқтисодиётига тўғридан-тўғри инвестицияларни экспорт қилишларида мамлакатларнинг инвестицион муҳит жозибadorлигини ифодаловчи Doing Business (Жаҳон банки), Global Competitiveness Index (Бутунжаҳон иқтисодий форуми), Fragile States Index (Тинчлик учун жамғарма), Economic Freedom Index (Хайратеж фонди, Фразер институти) каби индекслар<sup>1</sup> асосида қарор қабул қиладилар.

Мустақил тараққиёт даврида Ўзбекистонда иқтисодиётни тубдан таркибий қайта қуриш, барқарор ва юқори ўсиш суръатларини таъминлашнинг асосий шарти сифатида инвестиция фаолиятини жадаллаштириш, миллий ва хорижий инвесторларга имтиёз ва кафолатлар тақдим этиш, мазкур жараёнларнинг самарadorлигини таъминлаш мақсадида давлат томонидан тартибга солиш, жумладан, ҳар йиллик република ва ҳудудий инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга изчил татбиқ этиш чора-тадбирлари амалга оширилди. Иқтисодиётга хорижий инвестицияларнинг эркин кириб келиши ва инфратузилмасини халқаро талаблар асосида шаклланишини таъминлаш мақсадида институционал ўзгаришлар, яъни ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, стандартлар ва талаблар ишлаб чиқилди, бошқарув тузилмалари такомиллаштирилди. Хусусан, 2017 йил 31 мартда Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасини ташкил этилди. Бу каби муҳим чора-тадбирлар натижасида 2016 йилда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг умумий ҳажми 2010 йилга нисбатан 3,2 баробарга кўпайиб, аҳоли жон бошига тўғри келадиган инвестициялар миқдори деярли 3 баробар ўсди. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида инвестиция муҳитини такомиллаштириш, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш муҳим йўналишлардан бири сифатида белгилаб берилди<sup>2</sup>. Мазкур вазифаларнинг самарали бажарилиши Ўзбекистонда инвестицион муҳит жозибadorлигини оширишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Ҳозирда жаҳонда жадал суръатларда кенгайиб бораётган инвестиция жараёнларига мувофиқ инвестицион муҳит жозибadorлиги ва салоҳиятини баҳолаш, уларга ишлаб чиқарувчи кучларнинг оқилона жойлашувининг таъсири, ҳудудлар ўртасида вужудга келаётган табиий-демографик, маъмурий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий тафовутларни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш, баланслашган ҳудудий инвестицион сиёсатни

<sup>1</sup> <http://www.doingbusiness.org>; <http://weforum.org>; <http://ffp.statesindex.org>; <http://www.heritage.org>; [www.fraserinstitute.org](http://www.fraserinstitute.org)

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони. ПФ-4947-сон, 2017 йил 7 февраль. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 й., 6-сон, 70-модда.

шакллантириш, инвестицион фаолликни таъминлаш орқали миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишнинг илмий-методологик асосларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2015 йил 4 мартдаги ПФ-4707-сонли «2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизациялаш ва диверсификация қилишни таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисида», 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-сон «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича бирламчи чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 апрелдаги 196-сон «Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда инвестицияларни, хусусан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг кўламда жалб этиш, унинг самарадорлигини оширишга қаратилган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ ИТД-2 – «Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва эркинлаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш» лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>3</sup>.** Хорижий инвестицияларнинг эркин кириб келиши бўйича мавжуд шарт-шароитларни таъминлаш, инвестициялар самарадорлигини баҳолашнинг комплекс кўрсаткичлари мажмуасини ишлаб чиқиш, мамлакат ҳудудларининг инвестицион жозибadorлигини ошириш бўйича назарий-услубий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари, йирик рейтинг агентликлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Peterson Institute for International Economics, The University of Chicago, Regional Economic Development Institute (REDI), Bank of America World Information Services, Business Environment Risk Intelligence (BERI), Moody's Investor Service, Standard & Poor's Ratings Group (S&P), The United Nations Commission on

---

<sup>3</sup>Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи – [www.sardc.net/en/regional-economic-development-institute-redi](http://www.sardc.net/en/regional-economic-development-institute-redi); <https://www.weforum.org>; [www.harvard.edu](http://www.harvard.edu); <https://www.piie.com>; <https://www.uchicago.edu>; <http://unctad.org>; <https://www.bankofamerica.com>; <http://www.weforum.org>; <http://www.beri.com/Publications/BRS.aspx>; <https://www.controlrisks.com/en/services>; <http://www.eiu.com>; <https://www.euromoney.com>; <http://www.institutionalinvestor.com>; <https://www.montpellier-bs.com>; <https://www.prsgroup.com>; <https://www.moody.com>; <https://www.standardandpoors.com>; <https://sustainabledevelopment.un.org>; <https://www.atkearney.com>; [www.ox.ac.uk](http://www.ox.ac.uk); <https://raexpert.ru>; <https://www.tdiu.uz>; <https://www.ifmr.uz>; <https://www.bfa.uz>; <https://www.tfi.uz> ва бошқа манбалар асосида тайёрланган.

Sustainable Development (UN CSD), ATKearney (AQШ), World Economic Forum, Harvard University, Euromoney Institutional Investor (PLC), The University of Oxford, Economist Intelligence Unit (EIU) (Буюк Британия), United Nations Conference on Trade and Development (UNCTAD) (Швейцария), Control Risks Group (CRG) (Сингапур), Institutional Investor (II) (Гонк Конг), Montpellier Business School (Франция), International Country Risk Guide (ICRG) (Австралия), The Fraser Institute (Канада), Эксперт РА (RAEX) (Россия), Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти, Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ва Тошкент молия институти (Ўзбекистон) томонидан амалга оширилмоқда.

Инвестицион муҳит жозибадорлигини оширишнинг илмий-методологик, ташкилий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, табиий-хўжалик асослари бўйича бир қатор, жумладан, инвестицион жозибадорликни аниқлаш бўйича: иқтисодий самарадорлик, сиёсий хатар, қарздорлик, қарзни қоплаш (тўлаш бўйича мажбуриятларнинг бажарилмаслиги ёки муддатини узайтириш), тўлов қобилияти, банк кредитлари, ссуда капиталини олиш имконияти (Euromoney, Лондон); жамғариш нормаси билан иқтисодий ўсиш суръатлари ўртасидаги боғлиқликни эконометрик усуллар орқали исботлаш (International Monetary Fund, IMF) билан боғлиқ тадқиқотлар кенг кўламда олиб борилмоқда.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Инвестицион муҳит жозибадорлигини оширишнинг илмий-методологик жиҳатлари кўплаб хорижлик олимлар<sup>4</sup>, жумладан: Й.Шумпетер, Ж.М.Кейнс, Е.Н.Акерман, А.А.Михальчук, А.Ю.Трифанов, О.А.Бияков, В.В.Бочаров, А.Марголин, А.Быстряков, Т.Г.Глушкова, Ю.А.Дорошенко, Н.И.Климова, Е.С.Губанова, Ю.А.Корчагин, И.П.Маличенко, В.В.Быковский, Б.А.Чуб, С.А.Косторниченко, Н.И.Климова ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган.

Ўзбекистон иқтисодиётининг худудий ривожланишини тартибга солишда инвестицион сиёсатни тўғри ва самарали амалга оширишда:

---

<sup>4</sup> Шумпетер Й.А. История экономического анализа. СПб.: Экономическая школа, 2004.; Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. М., 1978.; Акерман Е.Н., Михальчук А.А., Трифанов А.Ю. Типология регионов как инструмент организации регионального развития // Вестник Томского гос. ун-а. Экономика. № 331.; Бияков О.А. Региональное экономическое пространство: измерение использования потенциала: Автореф. дис.д-ра экон. наук. Кемерово, 2005.; Бочаров В., Попова Р. Финансово-кредитный механизм регулирования инвестиционной деятельности предприятия. – СПб, 1993.; Марголин А.М., Быстряков А.Я. Методы государственного регулирования процесса преодоления инвестиционного кризиса в реальном секторе экономики. – Челябинск: Южно-Уральское книж. из-во, 1998.; Глушкова Т.Г. Инвестиционный потенциал региона: некоторые подходы к анализу // Региональная стратегия устойчивого социально-экономического роста: Тез. док. науч.-практ. конф. Ч.1. – Екатеринбург, 1998.; Дорошенко Ю.А. Оценка и механизм управления экономическим потенциалом территории: Дисс.докт. экон. наук. – Белгород, 1998.; Климова Н.И. Инвестиционный потенциал региона. – Екатеринбург: Изд-во УрО РАН, 1999.; Губанова Е.С. Инвестиционная деятельность в регионе. – Вологда: ВНКЦ ЦЭМИ РАН. 2002.; Корчагин Ю.А., Маличенко И.П. Инвестиции: теория и практика: Учебное пособие. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008.; Быковский В.В. Инвестиционный потенциал: механизм формирования и использования. – М.: Изд-во «Машиностроение-1», 2002.; Чуб Б.А. Деятельность основных субъектов национальной экономики на мезоуровне. – М.: БУКВИЦА, 2001.; Косторниченко С.А. Управление инвестиционной адаптивностью предприятий строительства: Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Волгоград, 2003.; Климова Н.И. Инвестиционный потенциал региона. – Екатеринбург: Изд-во УрО РАН, 1999.

Г.К.Саидова, А.М.Содиқов, С.С.Ғуломов, Ш.Б.Имомов, Ш.Х.Назаров, Д.Ғ.Ғозибеков, Н.Ғ.Каримов, Р.З.Юлдашев, Ф.Ў.Додиев, Н.Р.Кузиева, Ш.Р.Ражаббаев, Б.Ш.Муминов, М.А.Раимжанова, М.Х.Элмуродов, Д.Х.Набиев, С.А.Нуриддинов, С.Р.Умаров, Б.Қ.Ҳошимов, А.Х.Худайбердиев муносиб ҳисса кўшганлар<sup>5</sup>.

Ушбу иқтисодчи олимлар томонидан инвестицион жозибадорликни аниқлаш, унинг горизонтал ва вертикал бўйича таркибини таҳлил қилиш, мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини баҳолаш ва ҳудудларнинг иқтисодий ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ҳисоблаш, ҳудудий-саноат комплексларини ижтимоий-иқтисодий моделлаштириш, минтақавий ривожланишнинг асосини ишлаб чиқиш ва методологиясини яратиш шунингдек, эркин иқтисодий ҳудудларга инвестицияларни жалб қилишни фаоллаштириш, инвестиция фаолиятини бошқариш тизимида молиявий ҳисобот ва унинг таҳлилин тақомиллаштириш билан боғлиқ йўналишлар ёритилган.

Бугунги воқелик нуқтаи назаридан иқтисодий ўсишни таъминлаш учун бевосита хорижий инвестициялар ҳаракатидаги тенденцияларни ҳисобга олиш, инвестицион муҳит жозибадорлигини аниқлашда илғор фан-техника ютуқларидан самарали фойдаланиш масалаларини комплекс ҳал этиш,

---

<sup>5</sup> Саидова Г.К. Основные меры антикризисной программы Узбекистана и ожидаемый эффект от ее реализации // Материалы международной конференции «Мировой финансово-экономический кризис, пути и меры по его преодолению в условиях Узбекистана». - Т.: 2009.; Содиқов А.М. Основы регионального развития: теория, методология, практика // Монография. Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2005.; Гулямов С.С. Моделирование социально-экономического развития территориально-промышленных комплексов. Т.: Фан, 1980.; Имомов Ш.Б. Регулирование территориального развития экономики Узбекистана: Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. - Т.: 1993.; Назаров Ш.Х. Методологические аспекты повышения конкурентоспособности регионов / Диссертация. - Т.: IFMR, 2014.; Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш муаммолари: Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. - Т., 2002.; Каримов Н.Ғ. Иқтисодий интеграциялашув шароитида инвестицияларни молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш муаммолари: 08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. - Т., 2007.; Юлдашев Р.З. Совершенствование управления инвестиционным обеспечением приватизированных предприятий Узбекистана: Дисс.докт. экон. наук. - Т.; 2010; Додиев Ф.Ў. Инвестицион фаолиятни молиявий рағбатлантириш: Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. - Т., 1998.; Кузиева Н.Р. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантиришнинг молия-кредит механизмини тақомиллаштириш йўналишлари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. - Т., 2008.; Ражаббаев Ш.Р. Ўзбекистон валюта сисъатининг хорижий инвестицияларни жалб этишга таъсири. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. - Т., 2008.; Муминов Б.Ш. Ўзбекистон иқтисодиётида марказлашган инвестицияларнинг самарадорлигини ошириш йўллари. Иқтисод фанлари номзоди диссертацияси. - Т., 2012.; Раимжанова М.А. Ўзбекистонда эркин иқтисодий ҳудудларга инвестицияларни жалб қилишни фаоллаштириш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. - Т., 2012.; Элмуродов М.Х. Бозор иқтисодиёти шароитида инвестицион фаолият ва уни кредит билан таъминлаш масалалари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. - Т., 2001.; Набиев Д.Х. Таълим соҳасидаги инвестицияларни молиялаштириш масалалари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. - Т., 2005.; Нуриддинов С.А. Ўзбекистон иқтисодиётининг нодавлат секторида инвестицияларни молиялаш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. - Т., 2000.; Умаров С.Р. Қишлоқ хўжалигига инвестицияларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. - Т., 2008.; Ҳошимов Қ. Б. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни солиққа тортиш ва уни тақомиллаштириш йўллари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. - Т., 2004.; Худайбердиев А.Х. Инвестиция фаолиятини бошқариш тизимида молиявий ҳисобот ва унинг таҳлилин тақомиллаштириш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. - Т., 2005.



шунингдек, мамлакат ва унинг ҳудудларида рисклар (хатарлар)ни аниқлаш бўйича мавжуд усулларни такомиллаштириш, инвестицион фаоллик, инвестицион салоҳият, инвестицион сиғим тушунчаларининг илмий-назарий ифодасини шакллантириш ва уни аниқлаш билан боғлиқ тадқиқотлар етарли даражада эмаслиги мазкур мавзуда чуқур илмий-услубий изланишларни амалга оширишни тақозо этади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ФМ-1 «Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишни прогнозлашнинг илмий-методик асослари ва усулларини такомиллаштириш» йўналиши доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистонда инвестицион муҳит жозибadorлигини оширишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

инвестицион муҳит жозибadorлигининг назарий ва услубий асослари-ни ёритиб бериш;

ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятига тегишли илмий-назарий қарашлар ва талқинларни қиёслаш;

инвестицион муҳит жозибadorлигини аниқлашнинг услубий жиҳатлари ва унга таъсир кўрсатадиган омилларни таснифлаш;

мамлакат ҳудудлари ривожланишини самарали бошқаришнинг услуби, стратегияси ва механизмини илмий изоҳлаш;

мамлакат ҳудудларининг инновацион салоҳияти шаклланишини илмий-услубий жиҳатдан ёритиб бериш;

мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва инновацион салоҳиятини баҳолашнинг математик усулларини талқин этиш;

асосий капиталдан фойдаланишда йўналтирилаётган инвестицияларнинг ҳудудий таҳлилини амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестициялар кўлами ва оқимини оширишнинг асосий жиҳатларини талқин этиш;

панель маълумотлари асосида инвестиция омилларининг эконометрик таҳлилини амалга ошириш, унинг натижаларини тадқиқ этиш;

инвестицион муҳит фаоллигини оширишда илғор хорижий тажрибалар ва улардан Ўзбекистон шароитида фойдаланиш бўйича илмий-амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри) инвестицион фаолияти ва инвестицион муҳит жозибadorлигини ошириш бўйича амалга ошираётган иқтисодий сиёсати, чора-тадбирлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** мамлакат ҳудудларининг инвестицион муҳит жозибadorлигини ошириш бўйича ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-

ҳуқуқий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, иқтисодий-математик моделлаштириш, статистик маълумотлар-ни гуруҳлаш, солиштирма таҳлил, танлама кузатув, корреляцион ва регрессион таҳлил, илмий абстракциялаш ва бошқа усуллар қўлланилган. Маълумотларни тасвирлашда: пропорция (e.g. bar charts, histograms); тақсимот (e.g. pie charts); солиштирма (e.g. stacked bar charts, component bar charts); тренд (e.g. line charts) усулларидадан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

мамлакат/ҳудудларнинг инвестицион салоҳияти, инвестицион рисклар даражаси ҳамда инвестицион фаоллигини асослашда хусусий кўрсаткичлар бўйича ҳудуднинг барқарорлигига баҳо бериш, кўп қиррали таққослама таҳлилни амалга ошириш, иқтисодий, ижтимоий, экологик барқарорликни ҳисоблаш ва интеграл кўрсаткични шакллантириш бўйича назарий-услубий ёндашув асосланган;

инвестицион жозибадорликка ҳудудларнинг табиий-географик жойлашуви ҳамда тармоқлар кесимида эндоген омилларни ҳисобга олиш орқали баҳо бериш методикаси модификацияланган;

ҳудуд ёки тармоққа сарфланган инвестициялардан келадиган даромад қайтими ва риск натижасида йўқотиладиган зарарнинг масштабига кўра инвестицион жозибадорликни ҳосилавий миқдорлар орқали ҳисоблаш усули такомиллаштирилган;

мамлакат ҳудудларининг инвестицион жозибадорлигини аниқлашда Genuine saving, The Global Competitiveness Index индексларини татбиқ этишнинг услубий ёндашуви асосланган;

ҳудудий хўжаликлар самарадорлиги ва кластер ҳосил қилувчи корхоналар рақобатбардошлигини оширишда конгломерат кластернинг ташкилий-иқтисодий модели ишлаб чиқилган;

мамлакат/ҳудудларнинг инвестициявий жозибадорлигини халқаро рейтинг индикаторлари асосида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва комплекс омиллар орқали баҳо бериш механизми асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий бошқариш ва инвестицион муҳит жозибадорлигини ошириш модели яратилган;

Ўзбекистон ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини инобат-га олган ҳолда Давлат статистика кўмитаси томонидан ҳар бир ҳудуднинг (вилоятлар, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикаси) инвестицион муҳит жозибадорлиги бўйича «Йиллик статистик харита» эълон қилиб боришга қаратилган таклифлар асосланган;

инвестицион жозибадорликни баҳолашнинг тўрт босқичли усули ва баллик тизим орқали мамлакат/ҳудуднинг инвестицион жозибадорлигига миқдорий ва сифатий жиҳатдан баҳо бериш таклифи ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика

қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг статистик маълумотларидан олингани ҳамда тегишли хулоса ва таклифларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий қилингани билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти улардан Ўзбекистон ҳудудларининг инвестицион муҳит жозибadorлигини оширишга оид назарий-методологик ва услубий аппаратни ҳамда мавзуга оид ижтимоий-иқтисодий механизмларни такомиллаштиришга бағишланган илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти улардан республика ва ҳудудлар кесимида инвестицион дастурларни ишлаб чиқиш ва инвестицион жозибadorликни янада ошириш бўйича қабул қилинаётган қонун ва қонун ости ҳужжатлари, Президент қарорлари, фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва соҳага оид бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни тайёрлашда, шунингдек, соҳани самарали ривожлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистонда инвестицион муҳит жозибadorлигини оширишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган қуйидаги таклифлар амалиётга жорий этилди:

мамлакат/ҳудудларнинг инвестицион салоҳияти, инвестицион рисклар даражаси ва инвестицион фаолликни баҳолаш (аниқлаш) бўйича тадбирлар амалга ошириш бўйича таклифи (Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2017 йил 16 августдаги 1552/02-35-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга татбиқ этилиши натижасида ҳудудларнинг инвестицион салоҳият даражасига таъсир кўрсатувчи омилларни гуруҳлаш, инвестицион рисклар даражасини баҳолаш имконияти таъминланди;

ҳудудларда кластерларни ривожлантириш омиллари сифатида тавсия этилган схема (Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 10 октябрдаги ФТА-02-11/832-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф натижасида ишлаб чиқариш, ташкилий-бошқарув, молиявий, сиёсий ва иқтисодий омилларни уйғунликда қараш, уларни ўзаро боғлиқликда таҳлил қилиш ҳудудларда кластерлаштириш тизимини самарали амалга ошириш, корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий ривожланишини таъминлаш, инвестицион муҳит жозибadorлигини ошириш таъминланди;

тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг кириб келиши учун имкониятларни кенгайтириш, ҳудудларнинг инвестициявий жозибadorлигини янада ошириш чора-тадбирларини қўллаш таклифи (Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2017 йил 16 августдаги 1552/02-35-сон маълумотномаси). Натижада ҳудуднинг қатор халқаро рейтингларда

иштирокини таъминлаш ва мавжуд рейтинг кўрсаткичларида эгаллаган ўрнини мустаҳкамлаш ва ошириш, инвестицион муҳит жозибадорлигига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш, уларнинг таъсир доирасини ҳисоблашга эришилди;

худудларнинг инвестицион жозибадорлигини баҳолаш босқичлари бўйича берилган таклиф (Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 10 октябрдаги ФТА-02-11/832-сон маълумотномаси). Ушбу таклифни қўллаш натижасида худудларнинг умумий ҳолатини баҳолашда кўрсаткичлар тизимини танлаш, худуд инвестицион жозибадорлигини баҳоловчи интеграл кўрсаткичларни аниқлаш, хусусий кўрсаткичларни баллик тизим асосида баҳолаш, худуднинг инвестицион жозибадорлиги бўйича якуний хулоса чиқариш имконияти таъминланди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 25 та, жумладан 17 та республика ва 8 та халқаро илмий-амалий конференцияда муҳокамадан ўтказилган. Хусусан, «Иқтисодиётни диверсификациялаш шароитида инвестициялар ва уларнинг аҳамияти» (Тошкент, 2010), «Иқтисодиётнинг асосий етакчи соҳаларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш ҳамда стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш» (Тошкент, 2010), «Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда инвестициялар ўрни ва кўлами» (Тошкент, 2011), «Иқтисодиётда таркибий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг инвестициявий асоси» (Тошкент, 2011), «Мамлакат иқтисодий ўсишини таъминлашда хорижий инвестицияларнинг аҳамияти ҳамда инвестицион муҳит жозибадорлиги» (Тошкент, 2011), «Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда инвестицияларни кенг жалб этиш ва хорижий инвесторлар учун қулай шароитлар яратиш афзалликлари» (Тошкент, 2011), «Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини кенгайтиришда солиқ тизимини янада такомиллаштириш» (Тошкент, 2011), «Ўзбек модели» - иқтисодиётни тубдан ўзгартириш ва ислох этишнинг, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш гарови (Тошкент, 2011), «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожини мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигининг гаровидир» (Бухоро, 2011), «Role of investments in development of economy and its scale in Uzbekistan» (Tashkent, 2011), «Иқтисодий тараққиётни таъминлашда олиб борилаётган инвестицион сиёсат: муаммолар, ютуқлар ва натижалар» (Тошкент, 2012), «Мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга кўтаришда инвестициялар: омиллар, сабаблар ва натижалар» (Тошкент, 2012), «Иқтисодиётда йўналтирилган инвестициялар – мамлакатимизнинг юқори суръатлар билан барқарор ўсишининг омили» (Тошкент, 2013), «Пути совершенствования переподготовки специалистов по вопросам использования ценных бумаг для финансирования инновационного развития предприятий» (Казахстан, 2013), «Investment policy tackled to support economic growth: problems, achievements, outcomes» (Tashkent, 2013), «Қишлоқ жойларида замонавий хусусий уй-жойларнинг қурилиши: ажратилаётган инвестициялар ва амалга оширилаётган тизимли чора-тадбирлар» (Тошкент, 2013), «Инвестицион имкониятларни белгилашда

ижтимоий-иқтисодий салоҳият ва инсон омили» (Бухоро, 2014), «Current state and future Prospects of crop insurance in Uzbekistan» (Германия, 2014), «Dynamic investment policy of Uzbekistan aimed at rising its socio-economic potentials» (Греция, 2014), «Худудларнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти: илмий-назарий қарашлар ва талқинлар» (Тошкент, 2015), «Худудларнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини баҳолашнинг статистик усуллари ва замонавий жиҳатлари» (Тошкент, 2015), «Features of the system approach to management of social and economic development of regions» (Канада, 2015) «Муқобил энергетикани ривожлантириш бўйича инвестицион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг жаҳон тажрибаси» (Тошкент, 2016), «Етакчи соҳа ва тармоқларни модернизация қилиш ва иқтисодий ўсишни таъминлашда инвестициялар: ҳажми, кўлами ва амалга оширилаётган комплекс тадбирлар» (Тошкент, 2016) мавзуларидаги илмий-амалий анжуманларда маъруза кўринишида баён этилган ва апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 47 та илмий иш, шу жумладан, 1 та илмий монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этган илмий нашрларда 27 та мақола, жумладан, 24 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 260 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилишнинг синовдан ўтганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Инвестицион муҳит жозибadorлигининг илмий-назарий ва илмий-услубий асослари**» деб номланган биринчи бобида инвестицион муҳит жозибadorлигининг моҳияти, таркиби ва баҳолаш мезонлари назарий-услубий жиҳатдан очиқ берилган, инвестицион муҳит жозибadorлигини аниқлашнинг услубий ечимлари келтирилган, инвестицион салоҳият, инвестицион сиғим ва инвестицион хатар категорияларининг илмий-назарий талқини баён этилган, шунингдек, тадқиқот вазифалари бўйича назарий натижа ва хулосалар ифодаланган.

Маълумки, мамлакатнинг инвестицион жозибadorлигини баҳолаш бўйича аниқ услубият бирор-бир халқаро қонун билан белгиланмаган, шу

боис охирги вақтларда инвестицион жозибадорликка оид кўрсаткичларни ҳисоблаш бўйича турли услубиятлар қўлланилмоқда.

Кўриб чиқилган услубиятларнинг аксарияти тор қўлланиш соҳасига эга бўлиб, уларда кўпинча тармоқлар/соҳалар ҳисобга олинмайди. Шу боис, инвесторлар инвестицион жозибадорликни баҳолаш бўйича таҳлилий дастакларга эга бўлмагани туфайли, субъектив тасаввур асосида қарорлар қабул қилишга мажбур бўларди.

Баҳолаш бўйича мавжуд услубиятларнинг кўпчилигига хос асосий камчиликлар қуйидагилардан иборат: «инвестицион жозибадорлик» тушунчасининг ҳар хил талқин этилиши; инвестицион жозибадорлик даражасини тавсифловчи кўрсаткичларнинг турли-туманлиги; ҳудудларни таҳлил қилиш бўйича услубий ҳолатлар ва уларнинг инвестицион жозибадорлигини прогнозлашнинг илмий асосланмагани; баҳолаш учун ўнлаб кўрсаткичларни саралаш тамойилларининг етарли даражада асосланмагани; қўлланиладиган услубиятларни асослаш мезонларининг мураккаблиги.

Инвестицион жозибадорликни баҳолаш учун иккита муҳим жиҳатга эътибор қаратиш лозим. Биринчиси, маълум бир объектни инвестициялашнинг инвестицион жозибадорлиги. Бунда аниқ бир ҳудудий тизимда мавжуд тармоқ, соҳа ва кластерларнинг иқтисодий ҳолати таҳлил этилади. Иқтисодий таҳлилни амалга оширишда инвестицион лойиҳа ва дастурлари самарадорлигини аниқлашнинг таянч кўрсаткичлари (соф дисконтланган даромад, қоплаш муддати, фойда нормаси, ички рентабеллик нормаси) баҳоланади.

Иккинчиси, мамлакат/ҳудудий хўжалик тизимининг инвестицион жозибадорлиги. Бунинг учун эса, қуйидаги ҳолатлар таҳлил қилиш назарда тутилади: мавжуд ҳуқуқий-норматив база, сиёсий вазият, инвестицион ифратузилмаси, ижтимоий-иқтисодий шароитлар, инвесторлар манфаатини ҳимоя қилиш даражаси, солиққа тортиш даражаси, стратегик ва маъмурий ресурслар.

Инвестиция муҳити ва таваккал даражалари бир-бирига тескари боғлиқдир. Инвестиция муҳити қанчалик қулай бўлса, инвесторнинг тадбиркорлик таваккали шунчалик паст даражада бўлади ва бу инвесторларнинг кириб келишини фаоллаштиради. Аксинча, яъни инвестиция муҳити ноқулай бўлса, таваккал даражаси юқори бўлади. Бу эса, инвестиция қабул қилувчи томон сарф-харажатларининг ўсишига олиб келади. Инвестиция муҳитининг ҳолати фақат инвестор учун эмас, балки инвестиция қабул қилувчи учун ҳам муҳимдир.

Муаллифнинг фикрича, инвестицион муҳит – инвестицион жараёнлар амалга ошадиган шароит бўлиб, у ҳудуднинг инвестицион фаолияти ҳамда инвестицияларнинг риск даражасини аниқлайдиган сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий ва бошқа омиллар таъсирида шаклланади.

Диссертацияда қайд этилганидек, ижобий инвестицион муҳитни яратиш масаласида иқтисодиётнинг глобаллашувини асосий жараён сифатида талқин қилиш ва бунинг натижасида инвестицион ресурсларга эга бўлиш

кўламининг кенгайишини, ўз навбатида эса, инвесторлар ўртасида ҳам рақобатнинг кучайишини назардан четда қолдирмаслик лозим. Агар биз четдан келадиган хорижий инвестициялар ҳажмини оширишни истасак, албатта, инвестицион муҳитни, ҳудудий шарт ва шароитларни бошқаларга (рақобатчиларга) нисбатан янада мақбул ва юқори даражага чиқаришимиз, шунингдек, ички (миллий) инвестицияларни фаоллаштириш учун ҳам “иқлим”нинг қулай ва ортиқча рискдан холи бўлишини таъминлашга эътибор қаратишимиз зарур.

Инвестицион салоҳият айнан инвестицион жозибадорликни юзага келтиради ва уни оширишга хизмат қилади (1-жадвал). Инвестицияни қабул қилувчи томон минимал ресурсларни жалб этиш эвазига комплекс тарзда ижтимоий-иқтисодий вазибаларни амалга ошириш, иккинчи томон эса, узоқ муддат давомида максимал фойда олишни кўзлаб ҳаракатланади. Шунинг учун инвестициялар бозорида талаб ва таклиф қонунларининг амал қилиши (манфаатлар уйғунлиги) ва мувозанатликни таъминлаш билан боғлиқ жараёнлар кечади.

### 1-жадвал

#### Мамлакатнинг инвестицион салоҳияти ва унга таъсир кўрсатувчи омиллар мажмуаси<sup>6</sup>

№	Гуруҳ	Кўрсаткичлар Тўплами
<b>I. ХУДУДЛАРНИНГ ИНВЕСТИЦИОН САЛОҲИЯТ ДАРАЖАСИГА ТАЪСИР КЎРСАТУВЧИ ОМИЛЛАР</b>		
1.	<b>Табийий-географик салоҳият</b>	– хомашё ресурслари: минерал хомашёлар; ер ва сув; ёқилғи-энергетика; турли хилдаги руда ва металллар.
2.	<b>Меҳнат салоҳияти</b>	– ҳудуднинг демографик салоҳияти: аҳоли зичлиги; меҳнат ресурсларининг сони ва сифати; ишчи кучи; меҳнатга тўланадиган ўртача ойлик иш ҳақи; ишсизлар сони; ишлаётганлар ва ишсизларнинг ёш даражаси; ишсизларнинг малакаси ва савияси.
3.	<b>Ишлаб чиқариш салоҳияти</b>	– ишлаб чиқариш қувватлари: ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ); асосий воситаларнинг ҳолати; ишлаб чиқариш омилларининг унумдорлиги; ҳудуднинг тармоқ ва соҳалар кесими бўйича ихтисослашуви; импорт ва экспортнинг ҳажми.
4.	<b>Инновацион салоҳият</b>	– ҳудуднинг фан-техника салоҳияти: фан-техника ютуқлари; фан ва илмий даражага эга бўлганлар; фан-техника лойиҳалари ҳажми; илм билан шуғулланаётганлар; ҳудудда мавжуд илмий текшириш ва тажриба-конструкторлик институтлари/филиаллари.
5.	<b>Институционал салоҳият</b>	– республика ва маҳаллий қонунчилик: истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари; корпоратив бошқарув принциплари; соғлом рақобат муҳити; бизнесни юритиш учун яратилган шароит ва ахборот таъминоти; бухгалтерия ҳисоби ва статистик ҳисоботлар; молиявий бозорлар ва институтларнинг ривожланганлиги.
6.	<b>Инфратузилма салоҳияти</b>	– инфратузилма таъминоти: ҳудудда мавжуд сув ва электр-энергиялар ҳолати; аэропорт, автомобиль ва темир йўллар мавжудлиги; ахборот-коммуникация технологиялари ривожланганлиги.
7.	<b>Молиявий салоҳият</b>	– молиявий салоҳиятнинг асосий мезонлари: тижорат банклари томонидан хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти учун берилган кредитлар ҳажми; аҳоли томонидан миллий ва хорижий валюталарда


<sup>6</sup> Муаллиф ишланмаси.

		банк депозитларига қўйилган маблағлар ҳажми; юридик шахсларнинг банклардаги депозитлари (миллий ва хорижий валютада) ҳажми.
8.	<b>Истеъмол салоҳияти</b>	– ҳудуд аҳолисининг истеъмолга талаби: иш ҳақи; даромаднинг бошқа барча кўринишлари (рента, ижара, дивиденд, фоиз, фойда, нафақа, субсидия ва б.)
9.	<b>Туризм салоҳияти</b>	– туризм масканлари: ҳудудда мавжуд тарихий обидалар, осориатикалар, эко ва агротизим, туристларга хизмат қиладиган ижтимоий-маиший объектларнинг ривожланганлиги.
<b>II. ИНВЕСТИЦИОН РИСКЛАР ДАРАЖАСИНИ БАҲОЛОВЧИ ОМИЛЛАР</b>		
1.	<b>Ҳуқуқий рисклар</b>	– Ҳудудларда ҳуқуқий (қонуний) рискларни баҳолашнинг асосий йўналишлари: инвестиция дастуридан жой олган соҳа ва тармоқларни молиялаштириш борасидаги ҳуқуқий шарт-шароитлар; ҳуқуқий базанинг ривожланганлиги (ҳолати); инвестицияларни ҳимоя қилиш/муҳофазалаш ва инвесторлар учун яратилган имтиёзларнинг ҳуқуқий асослари, унинг кўлами; ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш бўйича алоҳида тартиблар.
2.	<b>Сиёсий рисклар</b>	– Сиёсий рискни баҳолашда эътибор қаратиладиган жиҳатлар: аҳолининг сиёсий жараёнлар ва партиялар ҳаракатига бўлган муносабати; парламент ва президентлик сайловларидаги иштироки; маҳаллий ҳокимиятнинг обрўси; қонунчилик ва ижро ҳокимиятининг олиб бораётган тадбирлари; сиёсий партиялар ва турли гуруҳлар томонидан амалга оширилаётган демократик ҳаракатлар; ҳар-хил диний ва миллий, этник гуруҳларнинг ҳаракати; миллатлараро муносабатларнинг ҳолати; ҳокимиятни сақлаб қолиш бўйича амалга оширилайдиган тадбирлар.
3.	<b>Ижтимоий (социал) рисклар</b>	– Ҳудуднинг ижтимоий ҳаётини акс эттирувчи кўрсаткичлар ва социал рисклар: аҳолининг ҳаёт ва турмуш тарзи; ижтимоий инфратузилмаларнинг ҳолати; демографик ҳолат – аҳолининг сони, ёш даражаси, оилалар сони ва таркиби, миграция ва табақаланиш, аҳолининг ўта бой ва камбағал қатлами ўртасидаги нисбат; даромад даражаси ва уни топиш манбалари; харид қуввати; харажатлар ва эҳтиёжнинг таркиби ва даражаси; уй-жойлар, транспорт ва алоқа, таълим ва маданият; ишсизлик, қўнимсизлик ва ишдан бўшашлар.
4.	<b>Иқтисодий рисклар</b>	– Инвестициялар кириб келиши учун яратилган иқтисодий шарт-шароитларга таъсир кўрсатувчи омиллар: маҳаллий ва жаҳон бозорида рўй бераётган ўзгаришлар ва бозорларнинг кўлами; товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва уларни сотиш ҳажми, нархлар даражаси (бозор талаби); ҳудудларнинг умумреспублика импорти ва экспортидаги улуши; давлат томонидан олиб борилаётган иқтисодий сиёсат ва ҳудудларнинг иқтисодий ривожланишини таъминлашга қаратилган иқтисодий чора-тадбирлар; умумий капиталда хорижий компания ва ташкилотларининг (ҳуқуқий ва жисмоний шахслар) улуши; дивидендларни тўлаш ва хорижга ўтказиш бўйича имкониятлар; қисқа ва узоқ муддатли банк ва нобанк кредитларни олиш имконияти; миллий валютани конвертация қилиш; юкори самарали инвестицион объектлар.
5.	<b>Экологик риск</b>	– Инвестицион иқлимни баҳолашда зарур бўладиган асосий йўналишлар: атроф-муҳитнинг ифлосланганлиги; атроф-муҳитнинг радиацияланганлиги; сув, биоресурслар, тупроқ ва ер ресурсларининг ҳолати ва техноген ўзгаришлар.
6.	<b>Криминал риск</b>	– Ҳудудда криминал вазиятни баҳолашнинг асосий йўналишлари: ҳудудда содир бўладиган жиноятларнинг даражаси; буюртма асосида содир бўладиган жиноятлар, хунрезликлар; давлат ташкилотларида мавжуд бўлган таъмағирлик ва коррупция ҳолатларининг даражаси.



### III. ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛЛИК

1.	<b>Инвестицион фаолликни акс эттирувчи омиллар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- янги қувватларнинг фойдаланишга топширилиши;</li> <li>- корхонанинг иқтисодий салоҳияти;</li> <li>- капиталнинг марказлашуви;</li> <li>- инвестицион лойиҳаларни амалга оширишнинг интенсивлиги;</li> <li>- маҳсулотларнинг энерготежамкорлиги;</li> <li>- инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш фазалари ва вақтининг қисқариши.</li> </ul>
----	--	---



1-расм. Инвестицион фаолликни ошириш омиллари<sup>7</sup>.

Инвестиция муҳитига, биринчи навбатда, жамиятдаги сиёсий барқарорлик, иқтисодиётнинг умумий аҳволи (кўтарилиш, турғунлик, инқироз), мамлакатнинг валюта, молия ва кредит тизимларидаги ҳолати, божхона тартиби ва иш кучидан фойдаланиш тартиби таъсир этади.

2000 йилда мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш мақсадида асосий капиталга йўналтирилган инвестицияларнинг умумий ҳажми 744520,0 млн. сўмни ташкил этгани ҳолда, ҳудудлар кесимида энг катта улуш Тошкент шаҳрига (24,5 фоиз), ундан кейин Қашқадарё вилоятига (16,9 фоиз) тўғри келган. Бу ҳам бўлса, ҳудудларнинг инвестицион салоҳияти, у ерда мавжуд бўлган табиий-иқтисодий ресурсларнинг мавжудлиги (қазилма бойликлар), инфратузилмаларнинг ривожланганлиги, шунингдек, ҳудуднинг инвестицион жозибдорлиги юқорилиги билан изоҳланади.

2000 йилда республика бўйича аҳоли жон бошига тўғри келадиган инвестицияларнинг миқдори ўртача 30,2 минг сўмни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткичдан паст бўлган ҳудудлар сони 11 тани ташкил этган. Қолган учта маъмурий ҳудудда (Тошкент шаҳри, Қашқадарё ва Навоий вилояти) мазкур кўрсаткич республика ўртача кўрсаткичидан кескин юқори бўлганини кузатиш мумкин. Ўз-ўзидан, жон бошига тўғри келадиган даромадлар ҳам айнан ушбу ҳудудларда юқори бўлган.

2016 йилда жон бошига тўғри келадиган умумий даромадларнинг ўртача қиймати 4693,1 минг сўмни ташкил этиб, ҳудудлар кесимида ушбу кўрсаткичдан юқори бўлган вилоятлар қуйидагилар: Бухоро вилояти – 5332,9 минг сўм; Навоий вилояти – 7549,5 минг сўм; Сирдарё вилояти – 4744,1 минг

<sup>7</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

сўм; Тошкент вилояти – 5200,2 минг сўм; Тошкент шаҳри – 9768,3 минг сўм. Ваҳоланки, ушбу кўрсаткичлар бўйича 2010 йилда вазият мутлақо бошқача тус олган эди. Биргина Сирдарё вилоятида жон бошига тўғри келадиган ўртача даромад умумреспублика кўрсаткичининг 74 фоизи ва ўртача умумреспублика кўрсаткичидан катта бўлган ҳудудлар иккитани ташкил этган (Тошкент ш., Навоий вилояти).

Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳукумат томонидан олиб борилаётган ҳудудларни ривожлантириш стратегияси ўзгариб туриши ҳам ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларига сезиларли таъсир кўрсатади. 2005 йилда ЯИМни яратишда ҳудуд ва тармоқларнинг улуши, табиийки, турлича бўлган. Саноат, хизмат кўрсатиш соҳалари ривожланган ҳамда юқори технологияларга ихтисослашган корхоналари кўп бўлган ҳудудларнинг ЯИМдаги улуши ҳам юқори бўлади.

Диссертацияда қайд этилганидек, 2016 йилда Фарғона вилоятида иқтисодиётда банд аҳоли сони 1508,3 минг кишини ташкил этган ва улар томонидан яратилган ЯХМ – 13922,9 млрд. сўмга тенг бўлган. Тошкент шаҳрида эса 31482,8 млрд. сўмлик ялпи ҳудудий маҳсулотни яратишда 1169,7 минг киши иштирок этган. Бундан кузатиш мумкинки, Тошкент шаҳрида ЯХМни яратишда Фарғона вилоятига нисбатан 338,6 минг кишига кам бўлган банд аҳоли билан 17559,90 млрд. сўмга кўп товар ва хизматлар ишлаб чиқарилган.

Меҳнат унумдорлиги Тошкент шаҳрида Фарғона вилоятига нисбатан уч баробарга юқори бўлмоқда. Қаерда саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари ривожланган бўлса, ўша ерда ўртача меҳнат унумдорлиги ҳам юқори бўлади. Иккинчи томондан олганда, Тошкент шаҳрида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарилмайди, шу боисдан бошқа вилоятларга нисбатан жон бошига тўғри келадиган ЯХМ, жон бошига тўғри келадиган ўртача даромад ҳамда асосий капиталга йўналтирилган инвестицияларнинг ҳажми ҳам юқори бўлган.

Диссертациянинг «**Мамлакат ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий, инновацион-инвестицион салоҳияти: илмий-услубий ёндашувлар таҳлили**» деб номланган иккинчи бобида мамлакат ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти ва ҳудудларнинг комплекс ривожланишини таъминлашда инновацион ва меҳнат салоҳиятларини ҳисобга олишнинг услубий жиҳатлари асослаб берилган, асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар кўламининг таҳлили амалга оширилган.

Диссертацияда ҳудудий инвестицион жозибадорлик (ИЖ) қийматини аниқлаш ва унга таъсир кўрсатувчи омилларни, мавжуд рискларни инобатга олган ҳолда ҳисоблаш услуби таклиф этилган. Ушбу услублар ва келтирилаётган формулалар аввал амалга оширилган тадқиқот ишлари ва турли даврларда хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан олиб борилган изланишларни ўрганиш маҳсули бўлиб, маълум маънода улар томонидан қўлланилган ҳисоб-китобларнинг такомиллашган (модификацияланган) варианты ҳисобланади.

Қайд этилган услубларда олимлар ИЖни ҳудудий кесимда ёки тармоқ кесимида иккига бўлиб аниқлашни тавсия этган бўлсалар, биз эса, ягона формула орқали изоҳлаймиз.

$$ИЖ_{kj} = X * ИЖ_{xj} + Y * ИЖ_{Tj} \quad (1)$$

Бу ерда,  
 $ИЖ_{kj}$  – j мамлакатнинг комплекс ИЖ;  
 $ИЖ_{xj}$  – j мамлакатнинг маълум бир (таҳлил қилинаётган) ҳудудининг ИЖ;  
 $ИЖ_{Tj}$  – j мамлакатнинг маълум бир тармоғининг ИЖ;  
 $X, Y$  – ҳар бир инвестицион жозибadorлик кўрсаткичларининг солиштирма оғирлиги/вазни бўлиб,  $X+Y=1$  шартни қаноатлантиради.

Мамлакатнинг ҳудудий ва тармоқ бўйича ИЖ кўрсаткичларини баҳолаш учун қуйидагилар аниқланиши лозим: иқтисодий қайтим (инвестиция маблағлари йўналтирилган бизнесдан (объект) келадиган даромад (фоизда); инвестиция rischi (мамлакатнинг (ҳудуд ва тармоқ бўйича) турли хилдаги риск даражаси ҳисобланади).

$$ИЖ_{x(t)j} = ДД_{x(t)j} * (1 - РД_{x(t)j}) \quad (2)$$

Бу ерда,  
 $ИЖ_{x(t)j}$  – мамлакатнинг ҳудудий/тармоқ бўйича инвестицион жозибadorлиги;  
 $ДД_{x(t)j}$  – ҳудудий/тармоқ бўйича инвестиция маблағлари йўналтирилган бизнес (объект)нинг даромадлиги ёки иқтисодий қайтими;  
 $РД_{x(t)j}$  – ҳудуд/тармоққа йўналтирилган инвестициянинг riskлилик кўрсаткичи.  
 Иқтисодий қайтим, яъни йўналтирилган инвестиция маблағлари ҳисобига олинган даромад (фойда)ни қуйидагича аниқлаш таклиф этилади:

$$ДД_{x(t)j} = \frac{(ЯХМ (1 - БТ)(1 - С) - И)}{И} \quad (3)$$

Бу ерда,  
 $ЯХМ$  – ялпи ҳудудий маҳсулот;  
 $БТ$  – бюджет тақчиллиги  $ЯХМ$ га нисбатан фоиз ҳисобида;  
 $С$  – ўртача солиқ солиқ ставкаси;  
 $И$  – инвестициялар.

Бундан кўриш мумкинки, ҳудуд ёки тармоққа йўналтирилган инвестициядан келадиган даромад қайтими (фойда нормаси) ва риск натижасида йўқотиладиган зарар ўртасидаги фарқ орқали инвестицион жозибadorликка баҳо берилади. Ҳудуд ёки тармоққа ўтган йиллар кесимида асосий капиталга киритилган инвестициялар миқдори ҳамда таҳлил қилинаётган йилда олинган фойда ўртасидаги нисбий миқдор иқтисодий қайтим кўрсаткичини намоён этади.

Бир вақтнинг ўзида мамлакат ҳудудларининг бир қанча тармоқларига инвестициялар киритилганлиги ва улардан келадиган (ҳар бир объектдан келадиган) фойда нормаси турлича бўлганлиги боис, иқтисодий қайтим кўрсаткичи ўртача ҳудудий қиймат бўйича олинади:

$$ДД_{x(t)j} = \frac{МН}{И} \quad (4)$$

Бу ерда,  
 $ДД_{x(t)j}$  – иқтисодий қайтим (даромадлилик даражаси) кўрсаткичи;  
 $МН$  – фаолиятнинг молиявий натижаси сальдоси (фойда/зарар);

И – ўтган йилда асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар (минтақа кесимида).

Мамлакат ҳудудида бир қанча корхоналар фаолият юритади. Ушбу корхоналарга киритилган инвестициялар (асосий капиталга) маълум вақт ўтгач даромад келтира бошлайди, умуман, фойда ва зарар ўртасидаги сальдолар йиғиндиси ҳудуд бўйича иқтисодий қайтим кўрсаткичини ҳосил қилишни англаган ҳолда, биринчи формулани қуйидагича такомиллаштирамиз:

$$ИЖ_{kj} = ДД_{xj} * (X * (1 - РД_{xj}) + Y * (1 - РД_{Tj})) \quad (5)$$

Инвестиция рискининг мавжудлиги ва унинг натижасида даромад йўқотилишини эътиборга олиб, рисклилик даражасини, албатта, ҳисоблаш талаб этилади. Бунинг учун ўртача арифметик формула орқали таваккалчилик (рисклилик) кўрсаткичини келтириб чиқарамиз:

$$РД_j = \frac{\sum_{i=1}^n ХК_i * x_{oi}}{\sum_{i=1}^n x_{oi}} \quad (6)$$

Бу ерда,

РД<sub>j</sub> - j мамлакатнинг таваккалчилик даражаси; ХК<sub>i</sub> – инвестиция рискининг хусусий кўрсаткичи; x<sub>oi</sub> – эксперт усули орқали ҳисобланадиган хусусий кўрсаткичнинг вазни; n – хусусий кўрсаткичлар миқдори; i – хусусий кўрсаткичлар индекси.

**Диссертациянинг «Инвестицион муҳитнинг шаклланиши: ҳудудлар салоҳиятини баҳолашнинг илмий-услубий йўналишлари»** деб номланган учинчи бобида инвестицион муҳит жозибадорлигини аниқлашда ижтимоий-иқтисодий ва инновацион салоҳиятни баҳолашнинг иқтисодий-математик усуллари, инвестицион салоҳиятни баҳолашнинг услубий йўналишлари ҳамда инвестицион муҳит фаоллигини ошириш борасидаги илғор хорижий тажрибалар ва улардан Ўзбекистон шароитида фойдаланиш истиқболлари ўз аксини топган.

Қайд этиш жоизки, ҳудудларнинг маъмурий-иқтисодий бошқаруви сиёсатини юритишда иқтисодий салоҳият оқибат сифатида кўриб чиқилади ва ундан самарали фойдаланиш билан ҳудуднинг келажакдаги мавқеи аниқланади. Шунинг учун ҳам ҳудудларни бошқаришда, инвестицион муҳит жозибадорлигини оширишда иқтисодий салоҳиятни тўғри баҳолаш ва ундан дастак сифатида иқтисодий сиёсатни тўғри олиб бориш муҳимдир. Фикримизча, айнан эндоген омиллар ҳудуднинг иқтисодий ривожланишини таъминлашда муҳим ҳисобланади. Аммо шу билан бирга, ҳудуднинг геоиқтисодий жойлашувини ҳам ёддан чиқармаслик ва уни инобатга олиш лозим.

Ҳудудлар инновацион ривожланишининг асосини мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш натижасида ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларнинг миқдорий ва сифат жиҳатидан ўзгариши (кўпайиши) ташкил этади. Натижавий кўрсаткичларнинг таъминланиши пассив (инновациянинг ривожланиши учун мавжуд шароит) ёки актив (янгиликларни яратиш учун мавжуд бўлган мотивация ва ташаббус) усулларда амалга ошириш мумкин.

Пассив усул давлат томонидан берилган имтиёزلардан фойдаланиш, давлат ва бизнес ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик, ҳуқуқий база, солиқ имтиёзлари ҳамда инфратузилма ривожлангани билан белгиланади.

Актив усулда эса натижавий (миқдорий ва сифат) кўрсаткичларни таъминлаш учун ҳудудда мавжуд рағбатлантирувчи функцияга асосий урғу берилади (2-расм).




2-расм. Ҳудуднинг инновацион салоҳияти таркиби<sup>8</sup>

Ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятига баҳо беришда ҳудудда мавжуд бўлган иқтисодий ресурслар, ҳудуднинг интеллектуал салоҳияти ва ушбу салоҳиятдан амалда нечоғлик даражада фойдаланилаётгани, ҳудуднинг ресурс салоҳиятидан техник ва технологик жиҳатдан фойдаланиш имкониятлари ва мавжуд ресурсларнинг кўлаmidан келиб чиқиб, турли хилдаги ҳудудий дастурларнинг ишлаб чиқилиши, давлатнинг таркибий-инвестицион стратегик мақсади ва бошқа бир қанча омилларнинг инобатга олиниши мақсадга мувофиқ ҳисобланади (3-расм).

Диссертацияда қайд этилганидек, миллий бойлик (МБ) бошқа макроиқтисодий кўрсаткичлардан фарқли ўлароқ, икки қисмдан иборат бўлади: табиат инъоми (инсон томонидан ишлаб чиқарилмаган активлар) ва инсон меҳнати орқали тўпланган активларга бўлинади. Унинг таркибига иқтисодий ҳудуд ва ундан ташқарида бўлган ҳамда жисмоний ва ҳуқуқий шахсларга тегишли бойликлар, давлат ва нодавлат мулклари киритилади.

Бошқача талқинда эса, барча иқтисодий активлар ёки хусусий капитални иккита йирик гуруҳга ажратиш мумкин: молиявий активлар, яъни

<sup>8</sup> Муаллиф томонидан тузилган.



3-расм. Давлатнинг таркибий-инвестицион стратегик мақсади ва рақобатбардошлик устунлиги<sup>9</sup>

етгита муҳим турларга бўлинган (пуллар ва депозитлар; акциядан ташқари барча қимматли қоғозлар; акциялар ва акционерлик капиталининг бошқа турлари; суғурта захиралари, дебитор ва кредиторларнинг бошқа ҳисоблари; олтин-валюта захиралари) ва номолиявий активлар: такрор ишлаб чиқариладиган ва такрор ишлаб чиқарилмайдиган активлар.

Диссертациянинг **“Ўзбекистон ҳудудларининг инвестицион жозибадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари”** деб номланган тўртинчи бобда хорижий инвестицияларни жалб этиш тизимини такомиллаштиришнинг замонавий масалалари, Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестициялар кўлами ва оқимини оширишнинг асосий жиҳатлари бўйича илмий-амалий қарашлар илгари сурилган.

Маълумки, қаерда ишлаб чиқариш кучлари кўпроқ жойлашган бўлса, ўша ҳудудда яратилган ЯХМ ҳажми ҳам юқори бўлади. Масалан, 2014, 2015 йилларда Тошкент шаҳрида мавжуд бўлган асосий фондларнинг жорий

<sup>9</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

қиймати юқори бўлганлиги (44718,7 млрд. сўм, 14 та иқтисодий-маъмурий ҳудудлар бўйича 1-ўринни эгаллаган) муносабати билан яратилган ЯХМ ҳам бошқа ҳудудларга нисбатан энг юқори ўринни (26 648,7 млрд. сўм) намоён этган.

Тошкент вилоятида мавжуд ва яроқли бўлган асосий фондларнинг умумий қиймати Тошкент шаҳридан кейинги ўринни эгаллаган. Ушбу йилларда товар ва хизматларнинг умумий ҳажми, яъни ЯХМ – 16558,6 млрд. сўмни ташкил этиб, 14 та маъмурий ҳудудлар орасида иккинчи ўринни банд этган. Иккита омил ўртасида юқори иқтисодий боғлиқлик мавжудлигини назарда тутсак, асосий фондларнинг қийматига қараб ҳам республика вилоятларининг ЯХМларига баҳо бериш мумкин. 2016 йилда аҳоли сонининг мутлақ кўшимча ўсиши 4119,1 минг кишини ташкил этган.

Бу кўрсаткич орқали таққосланувчи давр даражаси таққосланадиган даврдан, яъни 2010 йилга нисбатан қанча бирликка катта эканини яққол кузатиб мумкин. Худди шу кўрсаткич ЯИМда – 136936,80 млрд. сўмни, асосий капиталга киритилган инвестицияларда – 136936,80 млрд. сўмни, жон бошига тўғри келадиган инвестицияларда 1010,10 минг сўмни ташкил этган (2-жадвал).

Аҳоли жон бошига хорижий инвестицияларни жалб этиш кўрсаткичи 2016 йилда 121,8 долларни, жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар бўйича 79,4 долларни ташкил этиб, бу кўрсаткичлар ривожланаётган мамлакатларда ўртача 129,0 долларни, ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида 160,0 долларни ташкил этмоқда.

Ҳудудлар кесимида асосий инвестициялар ҳажми (нефть-газ соҳасидаги лойиҳалар ва йирик инвестиция лойиҳаларини ҳисобга олмаган ҳолда) Тошкент шаҳри, Тошкент ва Андижон вилоятларига (61%дан зиёд) тўғри келмоқда. Энг кичик кўрсаткичлар эса Бухоро (1,4%), Жиззах (1,7%) ва Навоий (1,9%) вилоятларида кузатилмоқда. Сўнгги икки ҳудудда эркин иқтисодий зоналар ташкил этилганига қарай, уларга киритилган инвестициялар пастлигича қолмоқда.

Шу билан бирга, республиканинг 10 та, хусусан, Қоровулбозор, Гиждувон, Шофиркон, Бойсун, Қизирик, Бахмал, Зафаробод, Миришкор, Сардоба ва Хозарасп туманларида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар мавжуд эмас.

Шунингдек, 2017 йил бошига хорижий инвестициялар иштирокидаги 185 та корхона фаолият юритмаётган бўлиб, шундан 183 таси ҳудудлар бўйсинувидаги, жумладан, Тошкент шаҳри (61), Тошкент (59), Самарқанд (17), Наманган (11), Бухоро (5) ва Жиззах (5) вилоятларига тегишли корхоналардир<sup>10</sup>.

Диссертациянинг ушбу бобида инвестицияларга таъсир кўрсатувчи омиллар ва уларнинг корреляцион боғлиқлиги бўйича таҳлиллар амалга оширилган.

---


<sup>10</sup> Ўзбекистон иқтисодиёти. Ахборот-таҳлилий бюллетень. 2016 йил январь-декабрь. Иқтисодий тадқиқотлар маркази. – Т., 2017. – 15-б.

**Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларининг  
йиллар бўйича динамикаси**


Кўрсаткичлар	2010 й	2011 й	2012 й	2013 й	2014 й	2015 й	2016 й	$\bar{y}$	Абсолют ўзгариш $\Delta_{\text{базис}} = y_i - y_0$	Ўсиш суръати $\dot{Y}_{\text{базисли}} = \frac{y_i}{y_0}$	Ўсиш суръатининг ўзгариши, фоизда $\Delta \dot{Y}_{\text{базис}} = \frac{\Delta_{\text{базис}}}{y_0} * 100$
Аҳоли сони, минг киши	28 001,4	29 123,4	29 555,4	29 993,5	30 492,8	31 022,5	32120,5	<b>30044,2</b>	<b>4 119,10</b>	<b>1,147</b>	<b>14,71</b>
Ялпи ички маҳсулот, млрд. сўм	62 388,3	78 764,2	97 929,3	120 861,5	145 846,4	171 369,0	199325,1	<b>125211,97</b>	<b>136 936,80</b>	<b>3,195</b>	<b>219,49</b>
Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ, минг сўм	2 184,3	2 684,6	3 289	3 996,3	4 741,8	5 475,1	6258,6	<b>4089,96</b>	<b>4 074,30</b>	<b>2,865</b>	<b>186,53</b>
Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача даромад, минг сўм	1 668,1	2 133,3	2 601,9	3 163,6	3 583,3	3 928,8	4526,5	<b>3086,5</b>	<b>2 858,40</b>	<b>2,714</b>	<b>171,36</b>
Асосий капиталга киритилган инвестициялар, млрд.сўм	15 338,7	17 953,4	22 797,3	28 694,6	35 233,3	41 670,5	49476,8	<b>30166,37</b>	<b>34 138,10</b>	<b>3,226</b>	<b>222,56</b>
Жон бошига тўғри келадиган инвестициялар, минг сўм	543,4	611,9	405,1	948,8	1 145,5	1 331,4	1553,5	<b>934,23</b>	<b>1 010,10</b>	<b>2,859</b>	<b>185,89</b>
Хорижий инвестиция ва кредитлар миқдори	4340,8	3853,8	4653,3	5532,7	6980,1	8309,5	10829,2	<b>6357,06</b>	<b>6 488,40</b>	<b>2,495</b>	<b>149,47</b>
Хорижий инвестиция ва кредитларнинг асосий капиталга киритилган жами инвестициялардаги улуши, фоизда	28,3	21,5	20,4	19,3	19,8	19,9	21,8	<b>21,57</b>	<b>- 6,50 пунктга</b>	<b>0,770</b>	<b>- 22,97</b>
Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми, млрд. сўм	34 499,1	42 158,8	51 059,3	64 354,7	75 194,2	97 598,2	111267,2	<b>68018,78</b>	<b>76 768,10</b>	<b>3,225</b>	<b>222,52</b>
Аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми, минг сўм	1 207,8	1 436,9	1 714,9	2 127,9	2 444,7	3 118,3	3493,7	<b>2220,6</b>	<b>2 285,90</b>	<b>2,893</b>	<b>189,26</b>
Иқтисодий фаол аҳоли сони, минг киши	12 286,6	12 541,5	12 850,1	13 163,0	13 505,4	13 767,7	14022,4	<b>13162,4</b>	<b>1 735,80</b>	<b>1,141</b>	<b>14,13</b>
Банд аҳоли сони, минг киши	11 628,4	11 919,1	12 223,8	12 523,3	12 818,4	13 058,3	13298,4		<b>1 670,00</b>	<b>1,144</b>	<b>14,36</b>
Ишсизлар сони, минг киши	658,2	622,4	626,3	639,7	687,0	709,4	724	<b>12495,67</b>	<b>65,80</b>	<b>1,100</b>	<b>10,00</b>
Ўртача йиллик номинал ҳисобланган иш ҳақи, минг сўмда	504,8	628,0	739,7	866,0	1 007,9	1 171,7	1293,7	<b>666,71</b>	<b>788,90</b>	<b>2,563</b>	<b>156,28</b>

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.





**4-расм. Инвестициялар ва ялпи ҳудудий маҳсулот ўртасидаги боғлиқлик.**



**5-расм. Инвестициялар ва асосий воситалар ўртасидаги боғлиқлик.**

Тўпланган маълумот тури панель маълумотига тегишли бўлиб, панель бирликлари сифатида Ўзбекистон Республикасининг ҳудудлари (14 та маъмурий ҳудуд) олинган. Ҳар бир ҳудуд кесимида маълумотлар 2000-2016 йиллар бўйича акс эттирилди.

Эркисиз ўзгарувчи сифатида бир катор ўзгарувчилар, жумладан, асосий капиталга киритилган инвестициялар (кейинги ўринларда “инвестициялар”), инвестицияларнинг ўсиш суръатлари, хорижий инвестиция ва кредитлар ҳажми, уларнинг инвестициялардаги улуши каби ўзгарувчилар бўйича эконометрик таҳлиллар амалга оширилгани ҳолда, уларнинг орасидан тадқиқот мақсадлари учун асосий капиталга киритилган инвестициялар эркисиз ўзгарувчи этиб танланди. Буни интуитив изоҳласак, муайян ҳудуднинг инвестицион муҳити қанча жозибадор бўлса, ушбу ҳудудга инвесторларнинг қизиқиши шунча ортиб боради.

Албатта, инвестициялар ҳажми нафақат индивидуал инвесторларнинг қизиқиши билан, балки ҳукумат қарорларига ҳам боғлиқ. Ҳукумат қарорига

боғлиқ инвестицияларнинг ҳажми умумий инвестициялардаги улуши<sup>11</sup> ҳамда таъсири унчалик ҳам катта бўлмаганлиги сабабли тадқиқотда инобатга олинмади.

Омиллар ўртасидаги боғлиқлик Ўзбекистон ҳудудлари бўйича 2000 – 2016 йиллар оралиғида амалга оширилди (4-, 5-расмлар).

Юқорида тасвирланган панель моделларини ҳисоблаш учун диссертацияда қуйидаги амаллар бажарилди.

Биринчидан, эркин ўзгарувчини танлаш. Регрессия моделида эркин ўзгарувчилар назариядан келиб чиққан ҳолда танланди. Шу билан бирга, айрим ўзгарувчиларнинг ўзаро корреляцияси боғланганлигини ҳам ҳисобга олиш керак. Икки регрессор ўртасида корреляция коэффициент юқори бўлган ҳолларда (мультиколлинарлик муаммоси юзага келмаган бўлса-да) юқори корреляция коэффициенти эконометрик моделни ҳисоблашда стандарт хатоларни ошириб юборади. Модел учун ўзгарувчиларни танлашда ўзаро корреляцияси юқори бўлганлар орасидан биттаси танланди. Оддий корреляция коэффициенти вақтлараро ёки панель бирликлари орасидаги корреляцияларни алоҳида инобатга олмасан-да, у қўрилатган икки ўзгарувчи ўртасидаги боғланишни ифода қилади.

Иккинчидан, эркин ва эркин ўзгарувчилар панель бирликлари ва вақтлараро ўзгаради. Ўзгарувчиларнинг вақтлараро ўзгариши вақтлараро вариация (within variation), ҳудудлар орасидаги дисперсияси эса, панель бирликлар орасидаги вариация (between variation) деб юритилади ва улар қуйидагича ҳисобланади:

Вақтлараро дисперсия:

$$s_{within}^2 = \frac{1}{NT-1} \sum_i \sum_t (x_{it} - \bar{x}_i)^2 = \frac{1}{NT-1} \sum_i \sum_t (x_{it} - \bar{x}_i + \bar{x})^2 \quad (7)$$

Панель бирликлари орасидаги дисперсия:

$$s_{between}^2 = \frac{1}{N-1} \sum_i (\bar{x}_i - \bar{x})^2 \quad (8)$$

Умумий дисперсия:

$$s_{overall}^2 = \frac{1}{NT-1} \sum_i \sum_t (x_{it} - \bar{x})^2 \quad (9)$$

Панель моделлари ёрдамида ҳисоблаш учун вақтлараро ва панель бирликлари орасидаги вариацияни ажратиб олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Хусусан, ўзгармас эффектлар моделини ҳисоблашда агар вақтлараро вариация панель бирликлари орасидаги вариациядан кичик бўлса самарасиз баҳолашни юзага келтиради.

Учинчидан, базавий модел сифатида йиғма модел ЭКК усули ёрдамида баҳоланади. Панель танланмасини ЭКК усули ёрдамида ҳисоблаш мақбул бўлмасан-да, панель моделларини ҳисоблашни ЭКК усулидан бошлаш ўринли ҳисобланади.

Бундан ташқари,  $y_{it} = x'_{it}\beta + \alpha + \varepsilon_{it}$  моделини ЭКК усули ёрдамида ҳисоблашда мураккаб хатолик  $\varepsilon_{it} \sim (0, \sigma_\varepsilon^2)$  қонуниятига бўй сунуши

<sup>11</sup> Изоҳ: 2016 йил маълумотларига кўра давлат бюджети маблағлари ҳисобига ажратилган инвестициялар умумий инвестициялар ҳажмининг 4,5% ташкил этган. Банк ахборотномаси. 2017 йил, 2 март, 9-сон.

гипотезаларни текширишда зарур шарт сифатида кўрилади. Ушбу фарз панель маълумотларида қониқтирилмайди ва шунинг учун ҳисобланган параметрлар асосли бўлса-да, самрали бўлмайди.

### 3-жадвал

$y_{it} = x'_{it}\beta + z'_i\alpha + \varepsilon_{it}$  панель модели параметрларини ҳисоблаш  
натижалари

	(1)	(2)	(3)	(4)
Эркин ўзгарувчи: $l_{inv}$	Йиғма модел	Кластерланишга бардош йиғма модел	Ўзгармас эффектлар	Тасодифий эффектлар
$l_{inc\_pc}$	0.395*** (0.0731)	0.395 (0.244)	0.623*** (0.107)	0.650*** (0.0918)
$l_{higher}$	0.425*** (0.141)	0.425 (0.246)	0.0238 (0.187)	0.181 (0.148)
$l_{roads}$	0.358*** (0.119)	0.358 (0.352)	0.686 (0.991)	0.625* (0.350)
$l_{assets}$	0.829*** (0.118)	0.829** (0.298)	0.232* (0.139)	0.299** (0.133)
$l_{grpg}$	0.00633* (0.00380)	0.00633 (0.00516)	0.00614** (0.00298)	0.00584** (0.00291)
$l_{ind}$	-0.128** (0.0627)	-0.128 (0.0791)	0.178* (0.102)	0.118 (0.0874)
$l_{eco\_active}$	0.190** (0.0759)	0.190 (0.223)	0.734 (0.754)	0.225 (0.252)
Constant	-7.974*** (0.921)	-7.974*** (2.223)	-11.75 (7.537)	-8.713*** (2.544)
<i>Кузатишлар сони</i>	195	195	195	195
<i>R-квадрат</i>	0.928	0.928	0.958	
<i>Ҳудудлар сони</i>			13	13

Standard errors in parentheses

\*\*\* p<0.01, \*\* p<0.05, \* p<0.1

Тўртинчидан, панель маълумотлари асосида ҳисобланадиган бир қанча эмпирик ҳисоблаш усуллари бўлса-да, энг кўп тарқалгани ўзгармас эффектлар (OLS) ва тасодифий эффектлар (GLS – Generalized least squares, MLE – Maximum likelihood estimation) дир. Бунда, агар инвестиция ҳажмига таъсир этувчи кузатилмайдиган вақтлараро ўзгармас (инвестор маданияти ва урф-одатлари) ва панель бирликлари орасида ўзгарувчан эффектлар кучли бўлса, ўзгармас эффектлар моделини қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Бешинчидан, ўзгармас ва тасодифий эффектлар моделларидан бирини танлашда Хаусман тести<sup>12</sup>дан фойдаланилади. Ушбу тестга мувофиқ,  $\hat{\theta}_1$  баҳо  $\hat{\theta}_2$  баҳога мос эканлиги маълум бўлиб,  $\hat{\theta}_2$  баҳо самарали эканлиги фарз қилинади.

$H_0: \hat{\theta}_2$  баҳо  $\theta_2$  ҳақиқий параметрнинг самрали баҳоси. Агар нолинчи гипотеза рост бўлса, бу икки баҳо ўртасида тизимий фарқ бўлмайди ва тасодифий эффектлар модели регрессия параметрларини ҳисоблаш учун ишлатилади. Агар нолинчи гипотеза рост бўлмаса, ушбу икки баҳо ўртасида

<sup>12</sup> Hausman, J. A. 1978. Specification tests in econometrics. *Econometrica* 46: 1251–1271.

тизимий фарқ юзага келади ва кўйилган фараз, яъни тасодифий эффектлар ёрдамида ҳисобланган параметрлар самарали эканлиги рад этилиб, ўзгармас эффектлар модели ёрдамида ҳисобланган параметрлар асосли (эффектив) ҳисобланади ва шу моделдан фойдаланилади (3-жадвал).

Йиғма моделлар (1-,2-моделлар) ЭКК усули ёрдамида Stata дастурида ҳисобланган биринчи йиғма моделда аҳоли жон бошига даромадлар, олий маълумотлилар улуши, инфратузилма, мамлакатимизда мавжуд асосий фондлар қиймати ва иқтисодий фаол аҳоли сони инвестициялар ҳажмига 1% (иқтисодий фаол аҳоли сони учун 5%) статистик муҳимлик даражасида таъсир этмоқда. Уларнинг миқдорий жиҳатдан ўсиши ва бошқа омиллар ўзгармаган шароитда Ўзбекистон ҳудудларига қилинадиган инвестиция ҳажми ошишига олиб келмоқда.

### 1. Йиғма модель ва кластерланишга бардошли йиғма моделлар

$$\widehat{lnv}_{it} = -7.974 + 0.395 \cdot linc\_pc + 0.425 \cdot lhigher + 0.358 \cdot lroads + 0.829 \cdot lassets + 0.00633 \cdot grpg - 0.128 \cdot lind + 0.190 \cdot leco\_active$$

### 2. Ўзгармас эффектлар модели

$$\widehat{lnv}_{it} = -11.75 + 0.623 \cdot linc\_pc + 0.0238 \cdot lhigher + 0.686 \cdot lroads + 0.232 \cdot lassets + 0.00614 \cdot grpg + 0.178 \cdot lind + 0.734 \cdot leco\_active$$

### 3. Тасодифий эффектлар модели

$$\widehat{lnv}_{it} = -8.713 + 0.650 \cdot linc\_pc + 0.181 \cdot lhigher + 0.625 \cdot lroads + 0.299 \cdot lassets + 0.00584 \cdot grpg + 0.118 \cdot lind + 0.225 \cdot leco\_active$$

Ҳисобланган ўзгармас ва тасодифий эффектлар моделлари ёрдамида ҳисобланган параметрлар ЭКК усули ёрдамида ҳисобланган параметрлардан бироз фарқ қилиши кўриниб турибди. Биринчидан, аксарият эркили ўзгарувчиларнинг ишоралари деярли бир хил.

## 4-жадвал

### Хаусман тести натижалари

	----	Coefficients		----
	(b)	(B)	(b-B)	sqrt(diag(V_b-V_B))
	fixed	random	Difference	S.E.
<b>linc_pc</b>	0.6228293	0.6501478	-0.0273185	0.055422
<b>lhigher</b>	0.0237553	0.1811028	-0.1573475	0.1148152
<b>lroads</b>	0.6863717	0.6251157	0.061256	0.9270906
<b>lassets</b>	0.2324024	0.2987003	-0.0662978	0.0419287
<b>grpg</b>	0.0061386	0.0058405	0.0002981	0.0006631
<b>lind</b>	0.1776677	0.1184616	0.0592062	0.0526569
<b>leco_active</b>	0.7343876	0.225257	0.5091307	0.710903
	b = consistent under Ho and Ha; obtained from xtreg			
B =	inconsistent under Ha, efficient under Ho; obtained from xtreg			
Test: Ho:	difference in coefficients not systematic			
	chi2(7) = (b-B)'[(V_b-V_B)^(-1)](b-B)			
	4.65			
	Prob>chi2 = 0.7028			

Бундан ташқари, ЭКК усули ёрдамида ҳисобланган инвестициялар назариясига мувофиқ қутилмаган ишорага эга параметрлар панель

моделларида кутилган параметрга эга. Яъни ҳудудлар хетерогенлиги инобатга олиниши натижасида ҳисобланган параметрлар асослилигича турибди. Иккинчидан, ўзгармас ҳамда тасодифий эффектлар моделларидаги ҳисобланган параметрлар бир-бирига яқин эластикликларни кўрсатмоқда. Яъни ЭКК усули ёрдамида ҳисобланган параметрлардан деярли миқдор нуқтаи назаридан бир хил узоқликда ҳисоблангани кўриниб турибди. Аҳоли жон бошига даромадлари 1% ошганда, бошқа омиллар ўзгармаган шароитда бу ҳудудларга қилинадиган инвестициялар ҳажмининг 0.623% (ўзгармас эффектлар) ва 0.650% (тасодифий эффектлар) ошишига олиб келмоқда (4-жадвал).

Ушбу икки панель моделидан қайси бири ҳудудларга қилинадиган инвестициялар ҳажмини яхшироқ тушунтириши бир нечта мезон ( $cov(\varepsilon_{it}, x_{jit}) = 0$ , орқали изоҳланади. Буларга ҳисобланган параметрларнинг индивидуал статистик муҳимлиги, умумий муҳимлик тести (Ф тест,  $\chi^2$  тест) ва ҳоказо) га боғлиқ бўлса-да, расмий Хаусман тестидан фойдаланилди.

## ХУЛОСАЛАР

Мазкур тадқиқот иши доирасида қуйидаги хулосаларни шакллантиришга муваффақ бўлинди:

1. Ҳудудларнинг табиий-географик жойлашуви, тармоқлар кесимида эндоген омилларни ҳисобга олиш, инвестицион жозибадорликни акс этувчи кўрсаткичларни баҳолаш инвестиция маблағлари йўналтирилган объектдан келадиган даромад (иктисодий қайтим) ҳамда инвестиция рискинни аниқлаш орқали амалга оширилади.

2. Мамлакатнинг сиёсий ҳолати, мавжуд бўлган табиий ресурслар захираси, инвесторлар учун яратилган имтиёзлар, инфратузилма ҳолати, ҳудудларнинг инвестицион рейтинги хорижий инвестициялар оқими ҳамда ички инвестицияларнинг фаоллашувига таъсир кўрсатади. Бунда асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар ҳажми инвестицион салоҳият ва иқтисодий салоҳият кўламининг юзага келишини таъминлаш учун хизмат қилади.

3. Жаҳон амалиётида кенг тарқалган мамлакат ҳудудларининг инвестицион муҳит жозибадорлигини аниқлашнинг Genuine saving (GS), The Global Competitiveness Index (GCI) каби асосий индексларида Ўзбекистоннинг иштирокини таъминлаш бўйича ҳозирда услубий асослар ишлаб чиқилмаган. Ушбу индексларда Ўзбекистоннинг иштироки инвесторлар учун мамлакатнинг барқарор иқтисодий ўсишга эришиш қобилиятини аниқлаш, технологиялар, давлат институтлари ва макроиктисодий ҳолатини баҳолашни таъминлайди.

4. Халқаро амалиётда ҳудудлар салоҳиятини баҳолаш интеграл кўрсаткичлар – ўртача арифметик ва ҳосилавий миқдорлар орқали аниқланади. Ўзбекистонда ҳудудлар салоҳиятини мазкур усуллар орқали баҳолашда қуйидаги босқичларни ўз ичига олувчи интеграл кўрсаткичлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади: 1) танланган кўрсаткичларни

асослаш; 2) ҳар бир кўрсаткич бўйича ҳудуднинг барқарорлигига баҳо бериш; 3) кўп қиррали таққослама таҳлил орқали иқтисодий, ижтимоий ва экологик барқарорликни ҳисоблаш; 4) интеграл кўрсаткични шакллантириш; 5) энг юқори (молиявий ва интеллектуал ресурслар билан таъминланган ҳудудлар: ривожланиш салоҳиятига, диверсификация қилинган ва мақбул экологик муҳитга эга бўлган) ва энг қуйи барқарорликка эга бўлган натижаларни аниқлаш.

5. Капитал захирасининг ҳаддан ташқари кўплиги капитал омилининг унумдорлигини пасайтириб, пировард маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига салбий таъсир кўрсатади. Капитал захирасининг кўпайиши билан меҳнат ресурслари сифат кўрсаткичининг ҳам параллел равишда юқори бўлиб бориши зарурий шартлардан ҳисобланади. Шу боис, ҳудудларни комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари ишлаб чиқиладиганда барча омиллар ҳисобга олиниши ва аниқ регрессион моделлар асосида оқилона иқтисодий қарорларни қабул қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

6. Ўзбекистонда Давлат статистика қўмитаси томонидан ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини акс эттирувчи «Йиллик статистик харита»нинг ишлаб чиқилиши ҳудудлар кесимида инвестиция дастурларини шакллантиришда, ишлаб чиқариш кучларини оқилона жойлаштиришда, зонал сиёсат юритишда муҳим аҳамият касб этади. Мазкур харитада инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлиги, ҳудуднинг ривожланиш салоҳияти, солиқ сиёсатининг асосий таркибий қисмлари, ҳудуднинг табиий-географик ва инфратузилма салоҳияти, фуқаролик индекси – аҳолининг ижтимоий фаоллиги, бошқарув самарадорлиги, таълим олиш ва соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдаланиш имконияти, турли хилдаги ижтимоий-иқтисодий маълумотларга эга бўлиши, уларнинг очиқлиги, маҳаллий ҳокимиятнинг аҳоли билан яқинлиги каби кўрсаткичларнинг келтирилиши муҳим ҳисобланади.

7. Ўзбекистон ҳудудлари кесимида 2000-2016 йиллар бўйича панел маълумотлар асосида корреляцион ва регрессион таҳлилларга кўра эркин омиллар (инвестициялар ва кредитлар ҳажми, ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми, жон бошига тўғри келадиган инвестициялар ҳажми, қишлоқ хўжалиги, саноат ва хизмат кўрсатиш ҳажми) ва эркин омил (асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми) ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик мавжуд эканлиги кузатилди. Тасодифий эффектлар моделига кўра, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар 1 фоизга ошганда, бошқа омиллар ўзгармаган шароитда ҳудудларга қилинадиган инвестициялар ҳажмининг 0,650 фоизга, йўл қурилишининг (инфраструктура) бир фоизга кўпайиши эса, инвестициялар ҳажмининг 0,625 фоизга ошишига олиб келмоқда. Хаусман тести натижаси шуни кўрсатмоқдаки,  $P(\chi^2 - stat > \chi_c^2) = 0,703$  бўлгани туфайли тасодифий эффектлар модели параметрлари бўйича фараз қилинган самарадорлик ҳеч қандай стандарт статистик муҳимлик даражасида рад этилмади ва шу боис ҳудудларга қилинадиган инвестициялар ҳажми тасодифий эффектлар модели ёрдамида талқин этилиши мақсадга мувофиқ эканлиги бўйича қарор қабул қилишга асос бўлди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.I.15.01  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ  
БАНКОВСКО-ФИНАНСОВОЙ АКАДЕМИИ РЕСПУБЛИКИ  
УЗБЕКИСТАН И ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
ЭКОНОМИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**БАНКОВСКО-ФИНАНСОВАЯ АКАДЕМИЯ РЕСПУБЛИКИ  
УЗБЕКИСТАН**

**МУСТАФАКУЛОВ ШЕРЗОД ИГАМБЕРДИЕВИЧ**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ НАУЧНО-МЕТОДОЛОГИЧЕСКИХ ОСНОВ  
ПОВЫШЕНИЯ ПРИВЛЕКАТЕЛЬНОСТИ ИНВЕСТИЦИОННОГО  
КЛИМАТА В УЗБЕКИСТАНЕ**

**08.00.02 – Макроэкономика  
08.00.07 – Финансы, денежное обращение и кредит**

**АВТОРЕФЕРАТ ДОКТОРСКОЙ (DSc) ДИССЕРТАЦИИ  
ПО ЭКОНОМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент–2017**

**Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2017.1.DSc/Iqt10**

Диссертация выполнена в Банковско-финансовой академии Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации размещён на трёх языках (узбекский, русский, английский) на веб-сайте Научного совета ([www.bfa.uz](http://www.bfa.uz)) и на Информационно-научном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный консультант:** **Бекмуродов Адхам Шарипович**  
доктор экономических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Гулямов Саидахор Саидахмедович**  
доктор экономических наук, академик

**Сирожиддинов Нишонбай**  
доктор экономических наук, профессор

**Юлдашев Ровшан Закирович**  
доктор экономических наук

**Ведущая организация:** Ташкентский финансовый институт

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2017 г. в \_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.I.15.01 по присуждению ученой степени при Банковско-финансовой академии Республики Узбекистан. Адрес: 100000, г. Ташкент, ул. Моваруонахр, 16. Тел.: (99871) 237-53-25, факс: (99871) 237-54-01, e-mail: [info@bfa.uz](mailto:info@bfa.uz)

С диссертацией доктора наук (DSc) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Банковско-финансовой академии Республики Узбекистан (зарегистрирован за № \_\_\_\_). Адрес: 100000, г. Ташкент, ул. Моваруонахр, 16. Тел.: (99871) 237-53-25, факс: (99871) 237-54-01, e-mail: [info@bfa.uz](mailto:info@bfa.uz)

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2017 года.  
(реестр протокола рассылки №\_\_ от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2017 года.)

**О.К. Иминов**

Заместитель Председателя научного совета  
по присуждению ученых степеней,  
доктор экономических наук, профессор

**У.В.Гафуров**

Секретарь научного совета по присуждению  
ученых степеней, доктор экономических наук, доцент

**У.В.Гафуров**

Председатель научного семинара при научном  
совете по присуждению ученых степеней,  
доктор экономических наук, доцент



## ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Инвестиционная привлекательность стран в мировой практике определяется инвестиционным потенциалом и инвестиционным риском, который характеризуется сочетанием ряда важных факторов. Иностранные инвесторы принимают решение об экспортировании прямых инвестиций в экономику страны с учетом показателей индексов инвестиционной привлекательности<sup>13</sup>, таких как Doing Business(Всемирный банк), Global Competitiveness Index (Всемирный экономический форум), Fragile States Index(Фонд за мир), Economic Freedom Index (Хайратежский фонд, Фразерский институт), которые характеризуют привлекательность инвестиционного климата в стране.

Сегодня в условиях ускоренных процессов глобализации в целях повышения активности инвестиций в практику поэтапно внедряются меры, связанные с обеспечением участия Узбекистана в индексах, объявленных международными рейтинговыми агентствами. Правительство в целях повышения привлекательности инвестиционного климата путем «совершенствования инвестиционного климата, активного внедрения иностранных, в первую очередь, прямых иностранных инвестиций в отрасли экономики и регионы стран»<sup>14</sup> внедряет инновационные методы создания свободных экономических зон, малых промышленных зон и технопарков. Вместе с тем, на сегодняшний день усиливается необходимость повышения привлекательности инвестиционного климата, а также места в международных рейтинговых показателях и индексах, оказывающих непосредственное влияние на стабильное социально-экономическое развитие Узбекистана.

Оценка привлекательности инвестиционного климата и инвестиционного потенциала согласно инвестиционным процессам, которые сегодня стремительно расширяются во всем мире, влияние эффективного размещения производительных сил, выявление факторов, приводящих к возникновению природно-демографических, административно-экономических, социально-политических различий между регионами, формирование сбалансированной региональной инвестиционной политики, совершенствование научно-методологических основ повышения конкурентоспособности национальной экономики за счет обеспечения инвестиционной активности имеет важное значение. «Действующие механизмы формирования и распределения средств Республиканского и местных бюджетов, разработки и реализации инвестиционных программ не обеспечивают адресное, своевременное и сбалансированное финансирование,

---

<sup>13</sup> <http://www.doingbusiness.org>; <http://weforum.org>; <http://ffp.statesindex.org>; <http://www.heritage.org>; [www.fraserinstitute.org](http://www.fraserinstitute.org).

<sup>14</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Сборник законодательных актов Республики Узбекистан. 2017 г., № 6 (766), ст.70.

прежде всего, наиболее приоритетных проектов»<sup>15</sup>. Важность и актуальность данного вопроса требует проведения в этой сфере научно-методологических и практических исследований.

Исследования данной диссертации в определенной степени служат реализации задач, отмеченных в Указах Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О стратегии действий до дальнейшего развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, № УП-4707 «О программе мер по структурным преобразованиям, модернизации и диверсификации производства на 2015-2019 годы» от 4 марта 2015 года, № УП-5177 «О первоочередных мерах по либерализации валютной политике» от 2 сентября 2017 года, постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан № 196 «О мерах по организации деятельности свободных экономических зон» от 10 апреля 2017 года, а также других нормативно-правовых документах, направленных на широкое привлечение инвестиций, в частности прямых иностранных инвестиций, повышение их эффективности

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное диссертационное исследование выполнено в рамках проекта ППИ-2 «Разработка научных основ дальнейшего углубления демократических реформ, формирования гражданского общества, модернизации и либерализации национальной экономики» в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики «I. Духовно-нравственное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

#### **Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации<sup>16</sup>.**

Теоретическо-методологические исследования по обеспечению имеющихся условий для свободного притока иностранных инвестиций, разработке комплекса показателей оценки эффективности инвестиций, повышению инвестиционной привлекательности регионов страны проводятся в ведущих научных центрах, крупных рейтинговых агентствах и высших учебных заведениях мира, в частности, в Peterson Institute for International Economics, The University of Chicago, Regional Economic Development Institute (REDI), Bank of America World Information Services, Business Environment Risk Intelligence (BERI), Moody's Investor Service, Standard & Poor's Ratings Group (S&P), The United Nations Commission on Sustainable Development (UN CSD), ATKearney (США), World Economic Forum, Harvard University, Euromoney Institutional Investor (PLC),

<sup>15</sup> Постановление Президента Республики Узбекистан от 8 августа 2017 года № ПП-3182 «О первоочередных мерах по обеспечению ускоренного социально-экономического развития регионов» -<http://www.norma.uz>

<sup>16</sup> Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации подготовлен на основе следующих источников –[www.sardc.net/en/regional-economic-development-institute-redi](http://www.sardc.net/en/regional-economic-development-institute-redi); <https://www.weforum.org>; [www.harvard.edu](http://www.harvard.edu); <https://www.piie.com>; <https://www.uchicago.edu>; <http://unctad.org>; <https://www.bankofamerica.com>; <http://www.weforum.org>; <http://www.beri.com/Publications/BRS.aspx>; <https://www.controlrisks.com/en/services>; <http://www.eiu.com>; <https://www.euromoney.com>; <http://www.institutionalinvestor.com/> <https://www.montpellier-bs.com>; <https://www.prsgroup.com>; <https://www.moodys.com>; <https://www.standardandpoors.com>; <https://sustainabledevelopment.un.org>; <https://www.atkearney.com>; [www.ox.ac.uk](http://www.ox.ac.uk); <https://raexpert.ru>; <https://www.tdiu.uz>; <https://www.ifmr.uz>; <https://www.bfa.uz>; <https://www.tfi.uz> др.

The University of Oxford, Economist Intelligence Unit (EIU) (Буюк Британия), United Nations Conference on Trade and Development (UNCTAD) (Швейцария), Control Risks Group (CRG) (Сингапур), Institutional Investor (II) (Гонг Конг), Montpellier Business School (Франция), International Country Risk Guide (ICRG) (Австралия), The Fraser Institute (Канада), Эксперт РА (РАЕХ) (Россия), Ташкентском государственном экономическом университете, Институте прогнозирования и макроэкономических исследований при Кабинете Министров Республики Узбекистан, Банковско-финансовой академии Республики Узбекистан и Ташкентском финансовом институте (Узбекистан).

Широко проводятся исследования по научно-методологическим, организационно-экономическим, социально-политическим, природно-хозяйственным основам повышения привлекательности инвестиционного климата, в частности, по определению инвестиционной привлекательности в таких аспектах, как: экономическая эффективность, политический риск, задолженность, погашение долгов (невыполнение обязанностей по платежам или продление сроков), платежеспособность, возможность получения банковских кредитов, ссудного капитала (Euromoney, Лондон); обоснование связи между нормами сбережений и темпом экономического роста при помощи применения эконометрических методов (International Monetary Fund, IMF).

**Степень изученности проблемы.** Научно-методологические аспекты повышения привлекательности инвестиционного климата изучены многими зарубежными учеными<sup>17</sup>, таких как Й.Шумпетер, Ж.М.Кейнс, Е.Н.Акерман, А.А.Михальчук, А.Ю.Трифанов, О.А.Бияков, В.В.Бочаров, А.Марголин, А.Быстряков, Т.Г.Глушкова, Ю.А.Дорошенко, Н.И.Климова, Е.С.Губанова, Ю.А.Корчагин, И.П.Маличенко, В.В.Быковский, Б.А.Чуб, С.А.Косторниченко, Н.И.Климова и др.

Достойный вклад в правильное и эффективное осуществление инвестиционной привлекательности при территориальном развитии экономики Узбекистана внесли такие отечественные ученые, как Г.К.Саидова,

---

<sup>17</sup> Шумпетер Й.А. История экономического анализа. СПб.: Экономическая школа, 2004.; Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. М.,1978.; Акерман Е.Н., Михальчук А.А., Трифанов А.Ю. Типология регионов как инструмент соорганизации регионального развития // Вестник Томского гос. ун-а. Экономика. № 331.; Бияков О.А. Региональное экономическое пространство: измерение использования потенциала: Автореф. дис.д-ра экон. наук. Кемерово, 2005.; Бочаров В., Попова Р. Финансово-кредитный механизм регулирования инвестиционной деятельности предприятия. – СПб, 1993.; Марголин А.М., Быстряков А.Я. Методы государственного регулирования процесса преодоления инвестиционного кризиса в реальном секторе экономики. – Челябинск: Южно-Уральское книж. из-во, 1998.; Глушкова Т.Г. Инвестиционный потенциал региона: некоторые подходы к анализу // Региональная стратегия устойчивого социально-экономического роста: Тез. док.науч.-практ. конф. Ч.1. – Екатеринбург, 1998.; Дорошенко Ю.А. Оценка и механизм управления экономическим потенциалом территории: Дисс.докт. экон. наук. – Белгород, 1998.; Климова Н.И. Инвестиционный потенциал региона. – Екатеринбург: Изд-во УрО РАН, 1999.; Губанова Е.С. Инвестиционная деятельность в регионе. – Вологда: ВНКЦ ЦЭМИ РАН. 2002.; Корчагин Ю.А., Маличенко И.П. Инвестиции: теория и практика: Учебное пособие. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008.; Быковский В.В. Инвестиционный потенциал: механизм формирования и использования. – М.: Изд-во «Машиностроение-1», 2002.; Чуб Б.А. Деятельность основных субъектов национальной экономики на мезоуровне. – М.: БУКВИЦА, 2001.; Косторниченко С.А. Управление инвестиционной адаптивностью предприятий строительства: Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Волгоград, 2003.; Климова Н.И. Инвестиционный потенциал региона. – Екатеринбург: Изд-во УрО РАН, 1999.

